
Рамазон - меҳр-саховат ойи! МАҲАЛЛАДА ИФТОРЛИКЛАР

Давлатимиз раҳбарининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Олтиариқ туман бўлинмаси ташаббуси билан маҳаллаларда рўздорлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда. Ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, диний ва миллий анъаналарни улуғлаш, тинчлик ва фаровонлик учун шукрона айтиш хайрли иш. Бугун 1-Сектор ҳудудидаги “Обод” МФЙда истиқомат қилаётган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 нафардан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги мавжуд фуқароларга хайрия тадбири ташкил этилди. <https://t.me/oltiariqtumanihokimligi>
2023-04-01 09:19:24